

**2021**  
I СОН



**"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"**  
илмий электрон журнали

**"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"**  
научно-электронный журнал

**"LOGISTICS AND ECONOMY"**  
scientific-electronic journal

[www.economyjournal.uz](http://www.economyjournal.uz)

Электрон журнал Олий Аттестация комиссиясининг миллий илмий нашрлари рўйхатига киритилган.



## ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ

### *Таҳририят Кенгаши раиси*

**Муҳиддин Бахритдинович Калонов**

иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

### *Таҳририят Кенгаши раиси ўринбосари,*

**Комил Раббимович Хотамов**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

### *Бош муҳаррир*

**Фахриддин Икромович Исаев**

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

### **Таҳририят Кенгаши аъзолари:**

**и.ф.д., акад.** Каландар Ходжаевич Абдурахманов

**и.ф.д., проф.** Абдуқодир Ҳамидович Тошқулов

**т.ф.д., проф.** Кунгратбай Авазимбетович Шарипов

**и.ф.д., проф.** Одил Қаландарович Абдурахманов

**и.ф.д., доц.** Мансур Пўлатович Эшов

**и.ф.д., проф.** Гулнора Каландаровна Абдурахманова

**и.ф.д., проф.** Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев

**и.ф.д., проф.** Нодир Хосиятович Жумаев

**и.ф.д., проф.** Тулқин Хайитмуродович Фарманов

**и.ф.д., проф.** Алишер Жўраевич Тўйчиев

**и.ф.д., проф.** Адхам Азизович Фаттахов

**и.ф.д., проф.** Садридин Каримович Худойқулов

**и.ф.д., проф.** Султонали Умаралиевич Мехмонов

**и.ф.д., проф.** Шойзоқ Рахматович Холмўминов

**т.ф.д., проф.** Алимжон Ахмаджонович Рискулов

**и.ф.ф.д.,(PhD)** Kliment Lazarashvili (АҚШ, Жоржиа ХУ)

**и.ф.д., проф.** Hermann Sterzinger (Германия, Мюьнхен ТУ )

**и.ф.д., проф.** Masato Hiwatari (Япония, Токио ХУ)

**и.ф.д., проф.** Михаил Исакович Кутер (Россия Федерацияси, Кубан ГУ)

**и.ф.д., проф.** Sung Dong Ki (Корея, Сеул МУ)



**и.ф.д., проф.** Татаьяна Борисовна Леберьт (Россия Федерацияси, Урал ГНТУ)  
**и.ф.д., проф.** Зият Ниязович Қурбанов  
**и.ф.д., проф.** Шахноза Жасуровна Эргашходжаева  
**и.ф.д., проф.** Акром Абдиевич Хошимов  
**и.ф.д., проф.** Расул Олимович Холбеков  
**и.ф.д., проф.** Ақтам Усманович Бурханов  
**и.ф.д., проф.** Баходир Акрамович Хасанов  
**и.ф.д., проф.** Каримжон Бакиджанович Ахмеджанов  
**и.ф.д., проф.** Неъматулла Фатхуллаевич Каримов  
**и.ф.д., проф.** Олим Мамаюнусович Пардаев  
**и.ф.д., доц.** Бегматжон Юлдашалиевич Мақсудов  
**и.ф.д., доц.** Нурбек Кадиорович Ризаев  
**и.ф.д., доц.** Жаҳонгир Жалолдинович Урмонов  
**и.ф.д., доц.** Нодира Баходировна Абдусаломова  
**и.ф.н., проф.** Шахло Тургуновна Эргашева  
**и.ф.н., доц.** Норбута Эшназарович Бабахалов  
**и.ф.ф.д (PhD), доц.** Мунис Қурбонович Абдуллаев  
**и.ф.ф.д., проф.** Одилжон Собирович Абдураззаков (Германия, Кёльн БМ)  
**и.ф.ф.д (PhD).** Бобир Ортиқмирзаевич Турсунов  
**и.ф.ф.д (PhD).** Мақсуд Сувонқулович Рустамов  
**и.ф.ф.д (PhD).** Илҳом Ғиёзович Кенжаев  
**т.ф.ф.д (PhD).** Ботир Инатович Абдуллаев

**Масъул муҳаррир**

**и.ф.д., доц.** Гулнора Мардиевна Шадиева

**Веб-администратор** А.Маматов

## МУНДАРИЖА

<b>Aliqulov M.S.</b>	<i>Sug'urta kompaniyalarining investitsiya faoliyati samaradorligini baholovchi ko'rsatkichlari</i>	<b>6</b>
<b>Kosimov M.A.</b>	<i>Transport - factors influencing the digitization of promising technologies of forwarding and logistics services</i>	<b>14</b>
<b>Ostonokulov A.A.</b>	<i>Davlat sektoridagi muassasalarning byudjetdan tashqari mablag'lari hisobi uslubiyotini takomillashtirish</i>	<b>19</b>
<b>Tursunhodjayeva Sh.Z.</b>	<i>Moliyaviy risklarni baholashning integral balli tizimi</i>	<b>29</b>
<b>Tursunov B.O.</b>	<i>Issues of financial security management at textile enterprises</i>	<b>34</b>
<b>Yunusova S.B.</b>	<i>Davlat-xususiy sherikligining xorij tajribasi va O'zbekiston Respublikasida qo'llash imkoniyatlari</i>	<b>41</b>
<b>Азимова Л.С.</b>	<i>Божхона органларида божхона тўловларидан бериладиган имтиёزلарни бериш ва назорат қилишни такомиллаштириш йўллари</i>	<b>51</b>
<b>Ахмедова Х.О.</b>	<i>Тижорат банкларида комплаенс-назоратнинг замонавий механизмлари ва технологиялари</i>	<b>58</b>
<b>Бакиров Б.Н.</b>	<i>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг трансмиссион механизмнинг фоиз ставка канали</i>	<b>64</b>
<b>Бозоров А.А.</b>	<i>Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)ни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш масалалари</i>	<b>72</b>
<b>Бузрукхонов С.М.</b>	<i>Олий таълимни инновацион ривожлантиришни молиялаштириш механизми ва инновацияларни инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг услубий ёндашувлари</i>	<b>84</b>
<b>Бўронов Ф.Р.</b>	<i>Ўзбекистонда монетар сиёсат валюта каналига таъсир қилувчи омилларнинг эмпирик таҳлили</i>	<b>99</b>
<b>Шадиева Г.М.</b>	<i>Оилавий тадбиркорлик: моҳияти, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишдаги роли</i>	<b>107</b>
<b>Гиясов С.А.</b>	<i>Инвестицион солиқ кредитини қўллаш тартибини жорий қилиш имкониятлари</i>	<b>113</b>
<b>Жумаева С.Х.</b>	<i>Тўлов балансини мувофиқлаштиришда валюта сиёсатидан фойдаланишнинг назарий-услубий жиҳатлари</i>	<b>120</b>
<b>Ибрагимова Р.А.</b>	<i>Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги эмиссон фаолиятини ривожлантириш масалалари</i>	<b>125</b>
<b>Исмаилов Ф.А.</b>	<i>Теоретические основы PRIVATE BANKING и VIP-клиента банка</i>	<b>133</b>

<b>Кадиров С.Ш. Ризаев Н.К.</b>	Номоддий активлар таҳлилини такомиллаштириш йўллари	<b>142</b>
<b>Каримов Н.Ф. Ҳакимов У.А.</b>	Пенсия таъминоти тизими: ривожланган мамлакатлар тажрибаси	<b>149</b>
<b>Кенжаев И.Ф.</b>	Рақамли иқтисодий ривожлантиришда суғурта ташкилотларининг ролини ошириш масалалари	<b>158</b>
<b>Кузиев Р.Р.</b>	Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналарининг таҳлили: ривожланиши, фаолияти ва амалдаги солиқ режими	<b>167</b>
<b>Курбанов З.Н. Назаров А.К.</b>	Ўзбекистон Республикасида фискал ва солиқ сиёсатларининг асосий йўналишлари	<b>177</b>
<b>Қурбанов М.А.</b>	Мақсадли фондлар шаффофлигини таъминлаш масалалари	<b>186</b>
<b>Мамадияров З.Т.</b>	Пандемия: банкларни трансформация қилишни янада жадаллаштириш	<b>192</b>
<b>Маматқулов М.Ш.</b>	Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда логистик харажатлар бошқарув ҳисобини такомиллаштириш	<b>201</b>
<b>Махкамбоев К.А.</b>	Автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари	<b>210</b>
<b>Набиев Б.К.</b>	Хорижий банклар амалиётида молиявий рискларни рақамли технологиялар асосида баҳолаш усуллари	<b>220</b>
<b>Норов А.Р. Шанасирова Н.А.</b>	Ўзбекистон Республикасини халқаро рейтинг кўрсаткичларини оширишда тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш механизмлари	<b>229</b>
<b>Ташбаев Б.Ў.</b>	Ўзбекистонда давлат ички ва ташқи қарзлар сиёсати таҳлили	<b>236</b>
<b>Ташманова Д.Д.</b>	Ўзбекистонда кредит каналининг иқтисодий таъсирини эконометрик таҳлили	<b>244</b>
<b>Турсунов А.А.</b>	Ўзбекистон тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш йўли	<b>251</b>
<b>Турсунов Ж.П. Маматкулова Я.Д.</b>	Миллий пенсия таъминоти тизимининг назарий ва амалий асослари	<b>260</b>
<b>Файзиева С.А.</b>	Рақамли туризм: устувор масалалар, имкониятлар ҳамда муаммолар	<b>270</b>
<b>Хошимов Э.А.</b>	Рақамли иқтисодий шароитида валютавий интеграцияни чуқурлаштириш истиқболлари	<b>277</b>
<b>Худайберганов Д.Т.</b>	Республикамизда товар ва хизматлар бозори мониторингининг ўзига хос хусусиятлари	<b>284</b>
<b>Ҳотамов К.Р. Аминбоев Ж.О.</b>	Кафолатли таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш	<b>289</b>
<b>Шермухамедов Б.У.</b>	Рақобат шароитида тижорат банкларининг депозит сиёсати	<b>296</b>
<b>Эшпўлатова З.Б.</b>	Даромадни тан олиш: операция нархи ва уни белгилашдаги ҳолатлар	<b>303</b>
<b>Юлдашев О.Т. Анваров А.А.</b>	Солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг муҳим жиҳатлари	<b>313</b>
<b>Юсупов У.Ш.</b>	Божхона ишида транспорт логистикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	<b>319</b>
<b>Юсупова Д.Т.</b>	Божхона соҳасида транспорт логистикасини ривожлантириш бўйича хориж тажрибаси	<b>327</b>



## ДАРОМАДНИ ТАН ОЛИШ: ОПЕРАЦИЯ НАРХИ ВА УНИ БЕЛГИЛАШДАГИ ҲОЛАТЛАР

**Эшпўлатова З.Б.**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

**Аннотация:** Бугунги кунда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларни қўллаш долзарб масала ҳисобланади. Концептуал аҳамият касб этадиган стандартлардан бири бу 15-сон МҲХС "Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар" стандарти ҳисобланади. Ушбу мақолада халқаро стандартларга мувофиқ жорий қилинган тушумни тан олишнинг учинчи босқичи "операция нархини белгилаш"нинг моҳияти, нархни аниқлашдаги ҳолатлар ёритилган. Стандартга мувофиқ операция нархини тан олишга доир услубий-тартиб қоидаларининг қўлланилиши амалий мисолларда кўрсатилиб берилган.

**Калит сўзлар:** операция нархи, харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар, ўзгарувчан қоплама ва унинг чегараланишлари, қутилаётган қиймат, энг эҳтимолли миқдор, молиялаштиришнинг салмоқли компоненти.

## RECOGNITION OF INCOME: THE PRICE OF THE OPERATION AND ITS DETERMINATION

**Eshpulatova Z.B.**

Samarkand Institute of Economics and Service

**Annotation:** The application of international financial reporting standards is a topical issue today. One of the standards of conceptual significance is IFRS 15 Receipts from Contracts with Buyers. This article describes the essence of the third stage of revenue recognition "transaction pricing", introduced in accordance with international standards, the circumstances in determining the price. The application of guidelines for the recognition of transaction costs in accordance with the standard is illustrated in practical examples.

**Keywords:** transaction cost, receipts from contracts with customers, variable coverage and its limitations, expected value, most likely amount, a significant component of financing.

### 1. Кириш.

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг (2016) янги таҳриридаги 10-моддаси 3-хатбошида "Бухгалтерия ҳисоби субъектлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўллаши мумкин" деб қайд қилинган. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 10 ва 22-моддалари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 февралда "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-4611-сон Қарор қабул қилинди. Ушбу Қарорнинг (2020) мақсади мамлакатимизда хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун инвестицион муҳитни яхшилаш, хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан таъминлаш, ҳисоботларнинг мазмуни ва таркибини ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига уйғунлаштириш, Ўзбекистон компаниялари ва банкларининг халқаро фонд ва молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳалари мутахассисларини сертификатлашни халқаро стандартлар даражасига кўтаришдан иборатдир. Қарордан келиб чиқиб, бугунги кунда олий таълим муассасаларида ўқитилаётган "Молиявий ҳисоб ва ҳисобот", "Бошқарув ҳисоби" фанларини бухгалтерия ҳисоби бўйича халқаро ташкилоти ҳисобланган Буюк Британиядаги АССАнинг

аккредитация талабларига мувофиқлаштиришимиз керак. Фан дастурлари ва унга мувофиқ тайёрланган дарслик ва ўқув қўлланмаларига МҲХСлари мазмун ва моҳиятини сингдиришимиз лозим. Бугунги кунда энг муҳим концептуал аҳамиятга эга бўлган стандартлардан бири бу 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандарти ҳисобланади. Халқаро стандарт тушумларни тан олишда харидорлар билан тузилган шартномаларни муҳим объект сифатида қарайди. Стандартада шартномани идентификация қилиш, шартномада бажарилишларга оид мажбуриятлар, шартномада операция (транзакция) нархи, операция нарҳини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш ва тушумни тан олиш тартиб-тамоийллари кўрсатиб берилган.

Биз даромадлар ҳисобини тадқиқ қилиш жараёнида тадқиқот натижалари бўйича шартномаларни идентификация қилиш, бажарилишларга оид мажбуриятларни тан олиш бўйича илмий мақолалар чоп этиришга эришдик. Мазкур мавзудаги мақоламиз олдин чоп этирган мақолаларимизнинг узвий давоми ҳисобланади. Ушбу жараёнда муҳим масалалардан бири бу “операция (транзакция) нарҳини белгилаш” бўлиб ҳисобланади. Лекин, бугунги кунда маҳаллий адабиётларимизда ҳали халқаро стандартлар масалалари, жумладан тушумларни ҳисобга олишга доир халқаро тажрибалар етарли даражада тадқиқ этилмаган. Шу боис, мазкур мақола долзарб мавзуга бағишланган.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Тушумни тан олишнинг кейинги босқичида **операция (транзакция) нархи** аниқланади. Операция нарҳини аниқлаш бочқичининг инглизча вариантыдаги номи “Determine the transaction price”. Рус тилига бу кўрсаткич «установления цен на операции» деб таржима қиланган бўлса, мамлакатимиздаги адабиётларда рус тилидаги таржимадан “операция нарҳини белгилаш” деб олинган. Аслида, “transaction” бу халқаро сўз, уни операция десак тўғри бўлмайди. Шунинг учун уни “транзакция” деб қолдириш ва босқичнинг номини “транзакция нарҳини белгилаш” деб аталса тўғрироқ бўлади. Лекин, расмий ўзбек тилида таржима қилинган манбаларда “операция нархи” бўлганлиги учун биз ҳам мақола матнида шу атамани қолдирдик.

15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” (2018) стандартида операция нарҳига қўйидагича таъриф келтирилган: **Операция (транзакция) нархи** – қаплама суммаси бўлиб, қайсики компания томонидан унга бўлган ҳуқуқини учинчи шахс томонидан олинган суммани минус қилиб харидорга ваъда қилинган товар ёки хизматларни узатганда алмаштиришдан олиниши кутилади.

Ушбу стандарт операция нарҳини белгилашда асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Стандарт мақсадларида операция нарҳини белгилаш деганда унинг қийматнинг пулдаги ифодаланишини қоидаларини аниқлаш эмас, балки шартномада кўрсатилган суммани идентификация қилиш, унинг асосида шартномадаги операциянинг нарҳини белгилаш тушунилади. Стандарт ишлаб чиқарилган ва сотишга мўлжалланган товар (иш ва хизматлар)нинг нарҳини белгилаш масалалари билан эмас, балки шартномада кўрсатилган сумма асосида маълум бир шартлар бажарилган тақдирда операциянинг нарҳини олинадиган қоплама нуқтаи назаридан аниқлаш масалалари билан шуғулланади.

Халқаро аудит ташкилотлари, хорижлик, жумладан АҚШ, Россиялик олимлар томонидан стандарт талабларидан келиб чиқиб операциялар нарҳини белгилаш масалалари ўрганилган.

KPMG аудиторлик компанияси (2017) томонидан чиқарилган китобда операция нарҳини белгилашда калитли омилларга – ўзгарувчан қоплама ва молиялаштиришнинг салмоқли компонентини киритган. ЕҲ халқаро аудиторлик ташкилоти (2018) чиқарган китобда операция нарҳини идентификациялаш билан боғлиқ жараёни тан олиш масалалари чуқур кўриб чиқилган. Бу китобларда халқаро аудиторлик ташкилотлари “наша точка зрения” қисмида ҳар бир қоидаларига ўзларининг муносабатларини билдиришган. Julie Killian (2017) томонидан транзакция баҳосининг аниқланиши ва унга боғлиқ бўлган омилларни ҳисобга олиш тартиби амалий мисолларда кўрсатилиб берилган. Riley ва Jensenлар (2020) томонидан ўзгарувчан қоплама ва унинг чегараланишларига (Variable Consideration And The Constraint) батафсил тўхталиб унинг қўлланилишини амалий мисолларда кўрсатиб берган.

Россиялик олимлар томонидан тадқиқотлар асосан стандарт қоидаларини қўллашга доир амалий мисолларни келтириш билан чегараланган. Масалан, Асадова

(2014) томонидан компаниялар операция нархини белгилашда оладиган қоплама суммаси бир қанча омиллар, жумладан чегирма, бонус, рағбатлантиришлар натижаси бўйича мукофатлар ва бошқалар ҳисобидан ўзгаришини амалий мисолларда тушунтириб берганлар.

Пятинский (2018) операция баҳосининг асосий компонентларига қуйидагиларни киритади: доимий (фикслаган) қисми, ўзгарувчан қисми, молиялаштиришнинг салмоқли компонентлари.

Сунгурова (2015) томонидан стандарт талабларидан келиб чиқиб контракт қийматининг ўзгарувчан қисми, молиялаштиришнинг салмоқли компоненти, пул бўлмаган қопламаларнинг мазмун моҳияти ва қўлланилиши масалалари ўрганилган. Дружилловская ва Дружилловская (2015), Крапивенцева (2015) ҳамда Шатунов (2020) тушумларни халқаро стандартларга мувофиқ Россия счетлар режасида акс эттириш масалаларини тадқиқ этган.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида 15-сон МҲХСлари мушоҳада қилинган, илмий мақолалар танқидий ўрганилган, солиштириш усулидан фойдаланилган, фикр ва мулоҳазалар мантикий кўриб чиқилган, SWOT таҳлил усулининг элементларидан ҳамда амалдаги счетлар режасидан фойдаланилган, корхоналар фаолиятдан амалий мисоллар олиниб, улар асосида операция нархи омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланган, жадваллардан фойдаланилган, интернет сайтидаги мақоллар ўрганилган, таққослаш ва ўрганиш, илмий мушоҳада қилиш натижасида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

### **4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Харидорлар билан тузилган шартномада ваъда қилинган қоплама (компенсация) суммаси фикслаган (доимий) ва ўзгарувчан ёки бир вақтнинг ўзида ҳам доимий, ҳам ўзгарувчан бўлиши мумкин. Операциянинг нархини белгилашда операциянинг хусусияти, операция вақти ва суммаси ҳамда бошқа омиллар таъсир кўрсатади. Операция нархини белгилашда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинади:

1. Ўзгарувчан қоплама ва унинг чегараланишлари;
2. Шартномада молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжудлиги;
3. Пул бўлмаган қоплама (компенсация);
4. Мижозга тўланишга оид бўлган қоплама.

**Ўзгарувчан қоплама ва унинг чегараланишлари.** Шартномада ваъда қилинган қоплама суммаси чегирма, дисконт, қоплаб бериш, йиғилган баллар, баҳодан тушишлар, рағбатлар, бонуслар, жарималар ва бошқа омиллар ҳисобидан ўзгаради. Қопламанинг ўзгарувчан бўлишига сабаб, унинг юз бериши маълум ҳодисаларнинг келгусида рўй бериши ёки рўй бермаслигига боғлиқ бўлади.

15-сон стандарт ўзгарувчан қопламани баҳолашнинг иккита методидан фойдаланишни кўзда тутаяди: 1. **Кутилаётган қиймат методи.** 2. **Энг эҳтимолли миқдор методи.** Ушбу методларга қуйидагича тавсифлар келтирилган.

**Кутилаётган қиймат** – кутилаётган қопламанинг бўлиши мумкин бўлган қиймати эҳтимolini бўлиши мумкин бўлган диапазонда салмоқли ҳисобга олган ҳолдаги суммасидир. Агарда ушбу усул компания томонидан бир хил тавсифга эга бўлган кўп миқдордаги шартномаларга нисбатан қўлланилса, кутилаётган қиймат ўзгарувчи қопламалар миқдорини баҳолашнинг энг мақбул усули ҳисобланади.

**Энг эҳтимолли миқдор** – кутилаётган қопламанинг унинг бўлиши мумкин бўлган диапазонда ягона энг эҳтимолли миқдори ҳисобланади. Агар шартномада иккита бўлиши мумкин бўлган натижа мавжуд бўлса, энг эҳтимолли миқдор ўзгарувчан қопламаларни баҳолашнинг энг мақбул усули ҳисобланади (масалан, компания натижа бўйича бонус олади ёки олмайди).

**1-мисол.** "FARM LYUKS" МЧЖ харидорига товарни мунтазам сотаяди. Товар бирлигининг сотиш нархи 500 минг сўм кўрсатилган. Агар мижоз бир йил давомида 100 бирликкача маҳсулот харид қилиб олса, унга чегирма тақдим этилмайди. Агар 101 бирликдан 200 бирликкача харид қилса, товар нархи 450 минг сўм, 200 бирликдан ортиқ харид қилиб олса, товар нархи 400 минг сўм қилиб белгиланади.

Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, операция нархининг белгиланиши келгусида содир бўладиган харид миқдорига боғлиқ бўлади. Ушбу чегирма тақдим этиладими ёки

йўқми бу мижознинг етарли миқдордаги товарни харид қилиб олишига боғлиқ бўлади. Шу боис, ноаниқлик элементи мавжуд деб баҳоланади.

Маркетинг бўлимидаги мутахассисларнинг баҳолашича харидор 10%лик эҳтимол билан 100 бирликгача маҳсулот харид қилиб олади, 30%лик эҳтимол билан 101-200 оралиғида товар бирлигини харид қилиб олади, 60%лик эҳтимол билан 200 бирликдан ортиқ товар бирлигини харид қилиб олади. Масалан, биринчи ойда харидор 30 бирлик маҳсулотни харид қилиб олди. У ҳолда, операциянинг нархини аниқлаймиз (1-жадвал):

**1-жадвал**

**Энг эҳтимолли миқдор усулида тушумни баҳолаш<sup>1</sup>**

<b>Эҳтимолни ҳисобга олган ҳолда салмоқли қоплама</b>	<b>Суммаси</b>
1. 30 бирлик x 500 = 15000 минг сўм x 10% (чегирма бўлмайди)	1 500 000
2. 30 бирлик x 450 = 13500 минг сўм x 30%	4 050 000
3. 30 бирлик x 400 = 12000 минг сўм x 60%	7 200 000
<b>Эҳтимолни ҳисобга олган ҳолда салмоқли қоплама</b>	<b>12 750 000</b>

Ушбу жараёнларни бухгалтерия проводкаларида акс эттирамиз. Бизнинг фикримизча, 15-сон МҲХСлари талабларига мувофиқ равишда такомиллаштиришга зарурият мавжуд.

Амалдаги стандартда тайёр маҳсулот, товар, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишдан даромадлар деб номланган. Даромад бу кенг тушунча, лекин стандарт талабларида тайёр маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматларни сотишдан тушум деб эътироф этилиши керак. Даромадларнинг ҳар бир турларига, жумладан асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромадлар, молиявий даромадлар ва бошқа умумлашган даромадларни ҳисобга олишга алоҳида счетлар кўзда тутилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу боис, тушумлар учун алоҳида счетлар керак (2-жадвал):

**2-жадвал**

**Тайёр маҳсулотлар, товар, иш ва хизматларни сотиш билан боғлиқ тушумларни ҳисобга олувчи счетлар<sup>2</sup>**

<b>21-сон БҲМС</b>	<b>15-сон МҲХСларига мувофиқлаштириш бўйича таклиф</b>
9010 "Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар";	9010 "Харидорлар билан шартномалар бўйича тайёр маҳсулотларни сотишдан тушум"
9020 "Товарларни сотишдан олинган даромадлар";	9020 "Харидорлар билан шартномалар бўйича товарларни сотишдан тушум"
9030 "Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар"	9030 "Харидорлар билан шартномалар бўйича ишни бажариш ва хизматларни сотишдан тушум"

Ушбу счетлар ёрдамида юқоридаги мисоллар асосида бухгалтерия ёзувларини келтирамиз.

*Д-т 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счетлар" 15 000 000*

*К-т 9020 "Харидорлар билан шартномалар бўйича тайёр маҳсулотларни сотишдан тушумлар" 12 750 000*

*К-т 9050 "Харидор ва буюртмачиларга шартномалар бўйича тақдим қилинган чегирмалар" 2 250 000*

**Асос:** Шартномага мувофиқ товарларни сотиш қийматидаги суммаси 15 000 000 сўм, эҳтимолни ҳисобга олган ҳолда тушум суммаси 12 750 000 сўмни ташкил қилган. Ўртадаги фарқ эҳтимол асосида баҳоланган чегирма суммасини тавсифлайди ва у 2 250 000 сўмни бўлади.

Юқоридаги мисолимизни давом эттирамиз. Йил якунида харидор 210 бирлик товарни харид қилганлиги маълум бўлди. Бу давомий йил якунига қадар амалга оширилган жами харид ҳисобланади. Ушбу харид энг эҳтимолли миқдор усулида баҳоланганда қуйидаги натижаларга эришилган (3-жадвал):

<sup>1</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

<sup>2</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

## Энг эҳтимолли миқдор усулида тушумни баҳолаш

Эҳтимолни ҳисобга олган ҳолда салмоқли қоплама	Суммаси
1. 210 бирлик x 500 = 105000 минг сўм x 10% (чегирма бўлмайди)	10 500 000
2. 210 бирлик x 450 = 94500 минг сўм x 30%	28 350 000
3. 210 бирлик x 400 = 84000 минг сўм x 60%	50 400 000
Эҳтимолни ҳисобга олган ҳолда салмоқли қоплама	<b>89 250 000</b>

Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, 4010-счетомизда 105 000 000 сўм, 9020-счетомизда 89 250 000 сўм, 9050-счетомда 15 750 000 сўм жамланган. Ҳақиқатда эришилган натижалар бўйича коррективировка киритиш талаб этилади. Бунинг учун қуйидаги тўғирловчи бухгалтерия ёзувларини таклиф этамиз:

*Д-т 9020 "Харидорлар билан шартномалар бўйича товарларни сотишдан тушумлар". 5 250 000 сўм*

*К-т 9050 "Харидор ва буюртмачиларга шартномалар бўйича тақдим қилинган чегирмалар".. 5 250 000 сўм*

**Асос:** Эҳтимолли баҳолаш асосида аниқланган тақдим қилинган чегирма билан ҳақиқатда йил сўнгида тақдим қилиниши лозим бўлган чегирма суммаси ўртасидаги фарқ суммасига (105 000 000 – 84 000 000) – (105 000 000 – 89250 000) = 21 000 000 – 15 750 000 = 5 250 000 сўм).

*Д-т 9050 "Харидор ва буюртмачиларга шартномалар бўйича тақдим қилинган чегирмалар". 21 000 000 сўм*

*К-т 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган счетлар". 21 000 000 сўм*

**Асос:** (9050 счетнинг кредити бўйича оборот суммаси 15 750 000 + 5 250 000 = 21 000 000 сўм)

**Шартномада молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжудлиги.**

Молиялаштиришнинг салмоқли компоненти – бу дисконтлаш билан боғлиқ. Чунки, пул маблағларининг бугунги кундаги қиймати унинг бир неча йиллардан кейинги қийматидан катта бўлади. Халқаро стандартлар молиявий активларни, жумладан дебиторлик қарзлари ва пул маблағларини вақт бўйича қиймати асосида ҳисобга олишни назарда тутди. 15-сон МҲХСнинг 63-бандига мувофиқ, агар ваъда қилинган товар/хизматларни мижозларга узатиш ва улар тўловларни амалга ошириш ўртасида вақт бир йилдан ошмаса, у ҳолда молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд деб ҳисоблашга имкон бермайди.

Шартномада молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд бўлган ҳолларда дисконтлаш ставкасини қўллаш талаб этилади. Дисконтлаш ставкаси – бу шартномани тузиш momentiда корхона ва унинг мижози ўртасида алоҳида молиялаштириш операцияларига нисбатан қўлланилади.

**2-мисол.** "FARM LYUKS" МЧЖ товарни 2018 йил бошида 60 млн товарни 3 йил ичида 20 млндан тўлаб бериш шarti билан сотди. Шартнома шartiга мувофиқ мижоз ҳар йилнинг охирида тўловни амалга оширади. Дисконтлаш ставкаси 12%. Тушум суммаси тўловлар ҳар йилнинг охирида амалга оширилганлиги боис, улар бугунги кун қийматида аниқланиши лозим.

Ушбу ҳолатда шартномада молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд. Чунки, катта миқдордаги сумма ҳар йилнинг охирида тўлаш шarti билан чиқарилаяпти. Шу боис, стандарт тушум суммасини бугунги кундаги келтирилган қиймати бўйича баҳолашни талаб этади. Бунинг учун жорий қийматда, яъни келтирилган қийматда баҳолашнинг формуласидан фойдаланамиз:

$$PV = \frac{FV}{(1+i)^n} \quad (1)$$

Бу ерда,

PV (Present value) – вақт омилини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқий қиймат.

FV (Future value) – келгусида пул оқими

i – фоиз ставкаси

n – даврнинг тартибли рақами

Ушбу формула ёрдамида аниқланган ҳисоб-китоб натижаларини қуйидаги 4-жадвалда расмийлаштирамиз:

## 4-жадвал

Тушум суммасини бугунги кундаги келтирилган қийматда баҳолаш  
натижалари<sup>3</sup>

Давр	Дисконтланган суммаси	Келтирилган (дисконтлашган) қиймати)
2018	17857143	$\frac{20\,000\,000}{(1+0.12)^1} = 20\,000\,000 / 1.12 = 17\,857\,143$
2019	15943878	$\frac{20\,000\,000}{(1+0.12)^2} = 20\,000\,000 / 1,2544 = 15\,943\,878$
2020	14235605	$\frac{20\,000\,000}{(1+0.12)^3} = 20\,000\,000 / 1,404928 = 14\,235\,605$
Жами	<b>48 036 626</b>	Тушумнинг дисконтланган суммаси
	<b>60 000 000</b>	Йил бошида чиқарилган товарнинг қиймати
	<b>11 963 374</b>	Молиявий даромад

9-сон МҲХС “молиявий инструментлар” стандарти талабларига мувофиқ товарлар кейинчалик тўлаб бериш шarti билан сотилганда ва молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд бўлган ҳолларда йилнинг бошида ва йилнинг охирида дебиторлик қарзлари амортизацияланадиган қиймат бўйича баҳолаш натижаларини қуйидаги жаdвалда расмиyлаштирамиз (5-жаdвал):

## 5-жаdвал

Дебиторлик қарзларини амортизацияланадиган қиймати бўйича баҳолаш<sup>4</sup>

Давр	Ҳисобот йилининг бошида баланс қиймати	Фoиз даромади	Тўлов	Ҳисобот даврининг охирида баланс қиймати
2018 йил	48 036 626	5 764 395	20 000 000	33 801 021
2019 йил	33 801 021	4 056 122	20 000 000	17 857 143
2020 йил	17 857 143	2 142 857	20 000 000	0
<b>Жами</b>		<b>11 963 374</b>	<b>60 000 000</b>	

Тадқиқотлар асосида таклиф этилган счёtlардан фойдаланган ҳолда қуйидаги бухгалтерия ишланмаларини тавсия этамиз (6-жаdвал):

## 6-жаdвал

Тушум суммасини тан олиш билан боғлиқ жараёнларни акс эттиришга доир таклиф этилаётган бухгалтерия ёзувлари<sup>5</sup>

Санаси	Операциялар мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Сумма
		Дебет	Кредит	
01.01.2018	Товарларни жўнатиш санасида харидорлар билан шартномалар бўйича тушум суммасини тан олиш	0940 “Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари”	9020 “Харидорлар билан шартномалар бўйича товарларни сотишдан тушум”	48 036 626
31.12.2018	2018 йил учун молиявий даромадлар ҳисобланди	0940 “Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари”	9530 “Олинган фoизлар”	5 764 395
31.12.2018	Харидордан пул маблағлари келиб тушди	5110 “Банкдаги ҳисоб-китоб счети”	0940 “Узоқ муддатли дебиторлик қарзи”	20 000 000

<sup>3</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

<sup>4</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

<sup>5</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

31.12.2019	2019 йил учун молиявий даромад ҳисобланди	0940 "Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари"	9530 "Олинган фоизлар"	4 056 122
31.12.2019	Харидордан пул маблағлари келиб тушди	5110 "Банкдаги ҳисоб-китоб счети"	0940 "Узоқ муддатли дебиторлик қарзи"	20 000 000
31.12.2019	Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари қисқа муддатли қарздрликка ўтказилди	4020 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар"	0940 "Узоқ муддатли дебиторлик қарзи"	17 857 143
31.12.2020	2020 йил учун молиявий даромад ҳисобланди	4020 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар"	9530 "Олинган фоизлар"	2 142 857

**Асос:** Юқоридаги 4-5-жадваллардаги ҳисоб-китоблар.

Агарда компания олдиндан тўлов сифатида ўзоқ муддатли шартларда товарларни етказиб беришни амалга оширса, тушумни тан олиш жараёнида молиявий харажатларни акс эттириши талаб этилади.

**3-мисол.** "FARM LYUKS" МЧЖ харидордан 2020 йилнинг бошида 250 млн сўм олдиндан тўлов сифатида қабул қилди. Шартнома шартига кўра товарларни етказиб бериш икки йилдан кейин амалга оширилади. Дисконтлаш ставкаси 12%. Ушбу ҳолатда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тушумлар ва фоиз бўйича харажатлар ҳамда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган кредиторлик қарзлари суммасини тан олиш талаб этилади.

Олдиндан тўлов амалга оширилганлиги боис, 2021 йилнинг охирида тушум 250 млн сўм сифатида тан олинади. Уни дисконтлашга зарурият йўқ. Молиявий харажатларнинг ҳисоб-китобини қуйидаги жадвалда акс эттирамиз (7-жадвал).

#### 7-жадвал

**Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда узоқ муддатли олдиндан олинган аванс бўйича кредиторлик қарзини (молиявий мажбуриятлар)ни тан олиниши<sup>6</sup>**

Йиллар	Ҳисобот даврининг бошидаги баланс қиймати	Фоиз харажатлари	Ҳисобот даврининг охирида баланс қиймати
2020	250 000 000	30 000 000	280 000 000
2021	280 000 000	33 600 000	313 600 000

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот даврининг бошида кредиторлик қарзлари 250 000 000 сўмдан 2021 йилнинг охирида 313 600 000 сўмни ташкил этмоқда. Ушбу жараёнларни қуйидаги тартибда бухгалтерия ёзувлари орқали акс эттиришни таклиф этамиз (8-жадвал):

#### 8-жадвал

**Тушум суммасини тан олиш билан боғлиқ жараёнларни акс эттиришга доир таклиф этилаётган бухгалтерия ёзувлари<sup>7</sup>**

Санаси	Операциялар мазмуни	Счетлар корреспонденцияси		Сумма
		Дебет	Кредит	
01.01.2020	Мижоздан йил бошида олдиндан тўлов (аванс) қабул қилинди	5110 "Банкдаги ҳисоб-китоб счети"	7310 "Харидор ва буюртмачиларда н олинган	250 000 000

<sup>6</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

<sup>7</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

			аванслар”	
31.12.2020	Ҳисобланган молиявий харажатлар	9610 “Ғоиз бўйича харажатлар”	7920 “Ҳисобланган ғоизлар бўйича ҳисоб-китоблар”	30 000 000
31.12.2021	Ҳисобланган молиявий харажатлар	9610 “Ғоиз бўйича харажатлар”	7920 “Ҳисобланган ғоизлар бўйича ҳисоб-китоблар”	33 600 000
31.12.2021	Товар етказиб берилганда	4020 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счотлар”	9020 “Харидорлар билан шартномалар бўйича товарларни сотишдан тушум”	250 000 000
31.12.2021	Харидор ва буюртмачилардан олинган аванслар ҳисобидан қарздорлик ёпилди	7310 “Харидор ва буюртмачилардан олинган аванслар”	4020 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счотлар”	250 000 000
31.12.2021	Ҳисобланган ғоизлар бўйича ҳисоб-китоб счоти ёпилди	7920 “Ҳисобланган ғоизлар бўйича ҳисоб-китоблар”	9020 “Харидорлар билан шартномалар бўйича товарларни сотишдан тушум”	63 600 000

**Асос:** 7-жадвал маълумотлари асосида тузилган.

Тадқиқотлар асосида “Операция нарҳини белгилашни” қуйидаги қадамлардан иборат кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

**1-қадам.** Ўзгарувчан қоплама мавжудлиги аниқланади:

1.1. халқаро стандарт ўзгарувчан қопламани кутилаётган қиймат ва энг эҳтимолли миқдор усулларида баҳолаш кўзда тутати;

1.2. харидорларга тақдим қилинган чегирмаларни бухгалтерия ҳисоби счотларида акс эттириш тартиби ишлаб чиқилади

**2-қадам.** Шартномада молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжудлиги аниқланади:

2.1. шартномада молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжудлиги тестдан ўтказилади;

2.1. тушум суммаси бугунги кундаги келтирилган қийматда баҳоланади;

2.2. дебиторлик ва кредиторлик қарзлари амортизацияланадиган қийматда баҳоланади;

2.3. дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бухгалтерия счотларида акс эттирилади

**3-қадам.** Пул бўлмаган қоплама (компенсация);

**4-қадам.** Мижозга тўланишга оид бўлган қоплама.

Ушбу юқорида кўрсатилган қадамларда операция нарҳини аниқлаш тушумларни тўғри ва объектив тан олиш имконини беради.

## **5. Хулоса ва таклифлар.**

Мавзуга доир адабиётларни ва манбаларни ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандарти тушумларни тан олишнинг бешта босқичдан иборат моделини ишлаб чиқди. Халқаро стандарт тушумларни тан олишда шартномаларни асосий объект сифати қарайди.

Стандартда таклиф этилган моделнинг учинчи босқич “Операция (транзакция) нархини аниқлаш” деб аталади. Хужжатда операциянинг нархини аниқлашда шартномада қайд қилинган суммани маълум бўлган омиллар асосида ўзгаришини инобатга олган ҳолда аниқлаш услуги таклиф этилади. Бугунги кунда операция нархини аниқлаш бўйича хулоса қиладиган бўлсак, операция нархи бу қаплама суммаси бўлиб, қайсики унинг харидорга ваъда қилинган товар ёки хизматларни узатганда алмаштиришдан олиниши кутилади.

2. Шартномада молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжудлигини ҳисобга олиб, дисконтлаш коэффициентларидан фойдаланган ҳолда тушумни келтирилган (дисконтланган) қиймати ҳамда молиявий даромадларни ҳисоблаш тартибларини корхоналарнинг амалий мисолларида кўрсатиб берилиши тушумларни бугунги кун қийматида баҳолаш ҳамда молиявий даромадларни тан олиш имкониятини беради.

3. 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар” стандарти талабларига мувофиқ товарлар кейинчалик тўлаб бериш шарти билан сотилганда ва молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд бўлган ҳолларда дебиторлик қарзлари амортизацияланадиган қиймат бўйича баҳолаш тартиби жадвал кўринишдаги ҳисоб-китоблар асосида таклиф этилганлиги дебиторлик қарзларини реал қийматда бухгалтерия балансида акс эттирилишига олиб келади.

4. Тушум суммасини тан олиш билан боғлиқ жараёнларни акс эттиришга доир бухгалтерия ёзувлари таклиф этилди. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда узоқ муддатли олдиндан олинган аванс бўйича кредиторлик қарзини (молиявий мажбуриятлар)ни тан олиниши тартиби кўрсатиб берилди. Ушбу тартиб қоидаларнинг ишлаб чиқилганлиги бухгалтерия ёзувлари процедурасини такомиллаштиришга хизмат қилади ва маълумотларнинг реаллигини оширади.

5. 15-сон МҲХСлари талабларидан келиб чиқиб “Операция нархини белгилаш”ни тўғри ва ҳаққоний амалга ошириш кетма-кетлигини белгиловчи 4 та қадамдан иборат ишланма таклиф этилганлиги операция нархини алгаритмлаш ва дастурлаш имкониятини беради.

Ушбу таклиф ва хулосаларнинг амалиётга жорий қилиниши тушумларни реал қийматда баҳолаш орқали ҳисоботларда акс эттириладиган ахборотларнинг сифати ва қийматининг ошишига хизмат қилади.

### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Brett Riley, Kathrine Jensen (2020) Variable Consideration and The Constraint By Brett Riley and Kathrine Jensen June 12, 2020 <https://www.revenuehub.org/variable-consideration-constraint/>

Julie Killian. (2017) Revenue Recognition: Determining Transaction Price Posted by Julie Killian on November 20, 2017// <https://claytonmckervervey.com/revenue-recognition-determining-transaction-price/>

Асадова Е.В. (2014) МСФО (IFRS) 15 «Выручка по договорам с клиентами»: краткий обзор положений нового стандарта КФО № 9 (Asadova E.V. (2014) IFRS 15 "Revenue from contracts with customers": a summary of the provisions of the new IFRS standard No. 9) <https://finacademy.net/materials/article/msfo-15-vyruchka-po-dogovoram>

Дружиловская Т.Ю., Дружиловская Э.С. (2015) МСФО (IFRS) 15: новые требования и их соотношение с российскими стандартами бухгалтерского учета / Т.Ю. Дружиловская, Э.С. Дружиловская // Международный бухгалтерский учет. №15 (357). – С. 22-36; (Druzhilovskaya T.Yu., Druzhilovskaya E.S. (2015) IFRS 15: new requirements and their relationship with Russian accounting standards / T.Yu. Druzhilovskaya, E.S. Druzhilovskaya // International accounting. No. 15 (357). 22-36 p.)

Крапивенцева С. (2015) МСФО (IFRS) 15 «Выручка по договорам с покупателями» (Krapiventseva S. (2015) IFRS 15 "Revenue from contracts with customers") <https://delprof.ru/press-center/experts-pubs/msfo-ifs-15-vyruchka-po-dogovoram-s-pokupatelyami/>

KPMG (2017) МСФО 15 “Выручка по договорам с покупателями. (KPMG (2017) IFRS 15 “Revenue from Contracts with Customers) <https://assets.kpmg/content/dam/kpmg/ru/pdf/2017/01/ru-ru-revenue-from-contracts-IFRS15-apr2016.pdf>

МСФО (IFRS) 15 (2018) «Выручка по договорам с покупателями» Применение МСФО Подробное рассмотрение нового стандарта по признанию выручки. (IFRS 15 (2018) Revenue from Contracts with Customers Application of IFRS A closer look at the new

revenue recognition standard.) [https://assets.ey.com/content/dam/ey-sites/ey-com/ru\\_ru/topics/assurance/ifrs/ey-applying-ifrs-revenue-ifrs-15-rus.pdf](https://assets.ey.com/content/dam/ey-sites/ey-com/ru_ru/topics/assurance/ifrs/ey-applying-ifrs-revenue-ifrs-15-rus.pdf)

Пятинский А.С. (2018) МСФО (IFRS) 15 «Выручка по договорам с покупателями»: применение (Pyatinsky A.S. (2018) IFRS 15 Revenue from Contracts with Customers: Application) <https://school.kontur.ru/publications/1604>

Сунгурова Полина (2015) МСФО (IFRS) 15: новый стандарт по признанию выручки. (Sungurova Polina (2015) IFRS 15: new revenue recognition standard) <https://www.cfin.ru/ias/msfo/IFRS-15.shtml>

Қонун (2016) "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида". (Law (2016) "On Accounting")

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 февралда "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сон. (Resolution (2020) No. PR-4611 of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 26, 2020 "On additional measures for the transition to international financial reporting standards.")

Шатунов Э.Ю. (2020) Особенности применения новой модели признания выручки по МСФО [ч.1]. //Журнал Аудитор. №7. (Shatunov E.Yu. (2020) Specifics of applying the new revenue recognition model under IFRS [Part 1]. // Auditor Journal. No. 7.)



## СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

*и.ф.н. Юлдашев О.Т., Анваров А.А.*  
Тошкент молия институти

**Аннотация:** Мақолада солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси эканлиги, солиқ имтиёзларининг ишбилармонлик муҳитига таъсири, "солиқ имтиёзларининг самарадорлиги" тушунчасининг мазмуни, солиқ имтиёзлари самарадорлигини аниқлаш бўйича турли қарашлар, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш бўйича ёндашувлар кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** солиқ имтиёзлари, солиқ харажатлари, самарадорлик, баҳолаш, солиқ имтиёзларининг самарадорлиги, солиқ имтиёзларининг натижавийлиги.

## IMPORTANT ASPECTS OF EVALUATION OF THE EFFICIENCY OF TAX BENEFITS

*PhD Yuldashev O.T., Anvarov A.A.*  
Tashkent Financial Institute

**Abstract:** The article discusses the importance of tax incentives as an important tool to support entrepreneurship, the impact of tax incentives on the business environment, the content of the concept of "tax benefits", different views on determining the effectiveness of tax benefits, approaches to assessing the effectiveness of tax benefits.

**Keywords:** tax benefits, tax costs, efficiency, evaluation, effectiveness of tax benefits, effectiveness of tax benefits.

### 1. Кириш.

Бизга маълумки, иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатувчи, шубҳасиз муҳим дастаклардан бири солиқ имтиёзлари ҳисобланиб, улар солиқ тўловчилар учун маълум бир афзалликлар тақдим этади ва шунга муносиб равишда иқтисодий фойда яратади. Солиқ имтиёзлари турли тоифадаги солиқ тўловчиларнинг моддий аҳволини ижтимоий жиҳатдан тенглаштириш, давлат олдидаги муҳим хизматларини тақдирлаш, солиқ тўловчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодиётнинг айрим соҳаларини рағбатлантириш учун мўлжалланади.

Тарихий тараққиётнинг кўрсатишича, солиқ имтиёзлари – мақсадли йўналтирилганлиги ва уларга эга бўлувчилар таркибига боғлиқ ҳолда, бир вақтнинг ўзида ижобий ва салбий жиҳатларга эга бўлган. Жумладан, бир томондан, солиқ юқини пасайтириш воситаси ва солиққа тортиладиган базани истиқболли ошириш имконини берадиган рағбатлантирувчи механизм ҳисобланса, иккинчи томондан, рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Яъни, солиқ имтиёзига эга бўлганларга мазкур имтиёзга эга бўлмаган рақобатчиларга таққослаганда анча кўпроқ фойдали шароитлар яратилади. Қолаверса, бюджет даромадларини (имтиёз тақдим этилган пайтда) камайиб кетишига олиб келади ва шу асосда қисқа ва ўрта истиқболда бюджетга салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун, шубҳасиз, солиқ имтиёзларини тақдим этиш олдиндан ва белгиланган тиртибда асосланган бўлиш, яъни, уларни тақдим этишда режалаштирилган самара олдиндан ҳисоблаб чиқилган ва ўлчанган бўлиши, кўтилаётган аниқ натижа (ижтимоий, иқтисодий ёки бошқа самара) кўрсатилиши шарт. Чунки, ниманинг эвазига онгли равишда бюджет тўлиқ ҳажмдаги солиқ тушумларига эга бўлмаётганлиги ва рақобат муҳитига зарар етказилаётганлигини илмий жиҳатдан асослаш лозим.